O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G' I

20 20 yil "15" 06 № 160

Toshkent sh.

Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги "Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4310-сон ва 2020 йил 7 апрелдаги "Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4666-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини узлуксиз касбий таълим жараёнида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини самарали ташкил этиш мақсадида **буюраман**:

1. Қуйидагилар:

узлуксиз касбий таълим тизимида тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий услубий, маънавий-маърифий ва даволаш ишларини белгилаш қоидалари 1-иловага мувофиқ;

тиббиёт ва фармацевтика кадрларини узлуксиз касбий таълим тизимида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари тузилмаси, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасаларида тингловчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини баҳолаш тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси гуруҳ журнали шакли 4-иловага мувофиқ;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг шахсий иш режаси шакли 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тиббиёт ва фармацевтика кадрларини узлуксиз касбий таълим муассасалари (тиббиёт ва фармацевтика, шу жумладан нодавлат олий таълим муассасалари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, уларнинг филиаллари, илмий-текшириш институтлари, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари) раҳбарлари:

узлуксиз касбий таълим тизимида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқув жараёнини ташкил этишни тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширсин;

тиббий-санитария ва фармацевтика кадрлари малакасини ошириш ўқув дастурлари соғлиқни сақлаш амалиёти эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кредит-модуль тизимига асосланган ҳолда ишлаб чиқилишини таъминласин;

тиббий-санитария ва фармацевтика кадрлари малакасини ошириш жараёнига масофавий таълим технологияларини кенг жорий этсин;

таълим муассасаларининг расмий веб-сайтида малака ошириш веб-саҳифаси яратилсин ҳамда унда тиббий-санитария ва фармацевтика кадрлари малакасини ошириш билан боғлиқ барча маълумот ва янгиликларнинг кенг ёритиб борилиши, мазкур веб-саҳифанинг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Узлуксиз касбий таълим" веб-портали билан интеграциясини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ва пуллик асосда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари ва ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

пуллик асосда нодавлат тиббиёт олий таълим муассасалари ҳамда тегишли тиббий-санитария мутахассисликлар бўйича ўқув-симуляцион маркази (шу жумладан мобил ўқув-симуляцион марказ) ва илмий даражага эга мутахассислари мавжуд бўлган хусусий тиббиёт ташкилотлари 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб аккредитациясидан ўтмасдан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини узлуксиз касбий малакасини ошириш тизимида ўқитиш ҳуқуқига эга;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, шу жумладан бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари ходимларининг узлуксиз касбий малакасини ошириши мазкур бандда белгиланган муассаса ва ташкилотлар томонидан жойларда ташкил этиладиган сайёр цикллар ва масофадан туриб ўқитиш асосида амалга оширилади;

тиббиёт ва фармацевтика кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида пуллик асосда ўқитиш қиймати белгиланган тартибда тегишлилигича Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

4. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари ва ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари, нодавлат тиббиёт олий таълим муассасалари ҳамда тегишли тиббий-санитария мутахассисликлар бўйича ўқув-симуляцион маркази ва илмий даражага эга мутахассислари мавжуд бўлган хусусий тиббиёт ташкилотлари раҳбарлари:

2020 йилнинг 15 июнига қадар тегишли мутахассисликлар бўйича соғлиқни сақлаш амалиёти эҳтиёжларига мос равишда касалликларни олдини олиш, ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий технологиялари, таълимнинг кредит-модуль тизимига асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиққа киритсин;

2020 йилнинг 1 сентябридан малака ошириш ўқув жараёнини ташкил этиш чораларини белгиласин, мутахассисликлар доирасида сифат жиҳатидан юқори ташкилий ва касбий даражада машғулотлар ўтказиш учун зарур ўқув-услубий, моддий-техник база яратилишини таъминласин;

ўқув дастурларига мувофиқ тингловчиларнинг амалий жиҳатдан тайёргарлигини оширишни клиник базалар, замонавий жиҳозланган амалий кўникмаларни эгаллаш ва назорат қилиш марказлари, симуляцион ўқув марказларида амалга оширсин;

ўқув хоналарини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан, шунингдек масофавий таълимни жорий этиш учун зарур техник воситалар билан жиҳозласин;

малака ошириш курсларида ўқитиш тажрибали илмий-педагогик кадрлар ва юқори малакали мутахассислар сафидан тайёрланган тренерлар томонидан амалга оширилишини ташкиллаштирсин;

юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус ўқув курсларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Малака ошириш ўқув жараёнларининг сифатли ва самарали ташкил этилишига шахсан муассаса раҳбари масъул ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари:

масофавий таълим тизимида ўқитишни жорий этиш мақсадида даволаш-профилактика муассасалари зарур техник воситалар билан жиҳозланишини, жойларда сайёр малака ошириш курсларини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратилишини таъминласин;

тиббий-санитария ходимларини режага мувофиқ малака ошириш ўқув машғулотларида тўлиқ қатнашишини таъминласин.

5. Фан ва таълим бош бошқармаси бошлиғи (Ў. Исмаилов) ушбу буйруқ билан белгиланган вазифалар ижроси юзасидан доимий мониторинг юритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 12 июлдаги “Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўқув дастурлари мазмунига қўйиладиган талаблар ва уларни тасдиқлаш тартиби” ҳақидаги 204-сон буйруғи бекор қилинсин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг ўринбосари Б. Низомов зиммасига юклатилсин.

Вазир **А. Шадманов**

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил "15" 06 даги 160 - сонли буйруғига 1-илова

Узлуксиз касбий таълим тизимида тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва даволаш-диагностика ишларини белгилаш қоидалари

Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги "Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4310-сон ва 2020 йил 7 апрелдаги "Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4666-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 29 мартдаги 7 МҲ, 13/1 Қ/Қ, 13-2019-1-Қ/Қ-сонли қўшма қарорига мувофиқ тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасалари (бундан буён матнда қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари деб юритилади) профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва даволаш-диагностика ишларини ҳисоблаш қоидаларини белгилайди.

Мазкур қоидалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилади, нодавлат қайта тайёрлаш ва малака ошириш тиббиёт таълим муассасаларига тавсия этилади, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини юритаётган халқаро ва хорижий қайта тайёрлаш ва малака ошириш тиббиёт таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Узлуксиз касбий таълим тизимида қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, шу жумладан республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида тренерлар таркиби меҳнатини нормаллаштириш ҳар ўқув йили учун профессор-ўқитувчи/тренер ва кафедра мудири/малака ошириш ўқув маркази раҳбари томонидан тузиладиган ҳамда факультет декани (ўқув бўлими бошлиғи) томонидан тасдиқланадиган ўқув йили бўйича шахсий иш режалари асосида тартибга солинади.

2. Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаси таркибига ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва даволаш-диагностика ишларининг турлари киритилади. Иш турлари профессор-ўқитувчи/тренерларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаларида тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши керак. Жорий ўқув йили якунида фақат мазкур ўқув йили давомида амалга оширилган ишлар ҳисобга олинади.

Ўқув йили давомида бажарилган қўшимча иш турлари профессор-ўқитувчи/тренерларнинг йиллик шахсий иш режаларига киритиб борилиши мумкин.

3. Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг шахсий иш режаси таркибига киритиладиган ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва даволаш-диагностика ишлари:

тўлиқ штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчи/тренерлар учун профессор-ўқитувчи/тренерларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари ва малака ошириш ва қайта тайёрлашга қўйилган давлат талаблари асосида;

тўлиқ штатда бўлмаган ва ўриндош сифатида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчи/тренерлар учун уларнинг ставкаларига мувофиқ тарзда профессор-ўқитувчи/тренерларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлашга қўйилган давлат талаблари асосида;

шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчи/тренерларнинг ўқув юкламаси ушбу қоидаларга мувофиқ шакллантирилади.

4. Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасининг бажарилиши мунтазам равишда кафедра мудири, ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича тегишли бўлимлар, йўналишлар бўйича проректорлар (ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари) томонидан назорат қилиб борилади.

2-боб. Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг ўқув юкламасини ҳисоблаш

5. Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган ва унинг асосий қисми бўлган ўқув юкламасининг соатлардаги ҳажми мазкур қоидаларнинг 1-иловасида назарда тутилган қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасалари профессор-ўқитувчи/тренерлар ўқув юкламаси ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрларида белгиланган иш турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчи/тренерларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида ҳисобланади.

6. Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг эгаллаб турган лавозимлари бўйича ўқув юкламаси ҳажми бўлим бошлиғи/бўлим раҳбари/ кафедра мудирининг таклифига мувофиқ қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасасининг факультет кенгаши/ўқув ишларига маъсул бўлим кенгаши (кенгаш бўлмаган ҳолда - юқори турувчи таълим муассасаси кенгаши) томонидан тасдиқланади.

7. Ўқув юкламаси бўйича ҳисобланган соатлар ҳажми қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасасининг штат бирликлари сонини ҳамда профессор-ўқитувчи/тренерларнинг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди.

Штат бирликлари профессор-ўқитувчи/тренерларнинг тингловчилар сонига нисбати бўйича, ойлик иш ҳақи эса харажатлар сметаси бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Ижодий таътиллар бериш тартиби ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган нормаларга мувофиқ олиб борилаётган илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш мақсадида профессор-ўқитувчи/тренерларнинг ўқув ишлари юкламаси ҳажми кафедра йиғилишининг таклифига асосан факультет кенгаши, ўқув ишларига маъсул бўлим кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин. Бунда профессор-ўқитувчи/тренерларнинг тегишли ўқув юкламасининг муайян қисми кафедранинг бошқа профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламасига қўшимча равишда тақсимланади.

9. Маъруза машғулотлари илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчи/тренерлар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулотлари ҳажми кўп бўлганда ёки профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли бўлмаганда) қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси кенгашининг қарорига асосан камида 5 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, бироқ илмий унвон ва илмий даражаси бўлмаган ўқитувчилар ёки мутахассислиги бўйича хорижий давлатларнинг етакчи тиббиёт муассасаларида стажировка ўтган тажрибали мутахассис тренерларга бир ўқув йилида 100 соатгача ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга рухсат берилади.

10. Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг аудиториядаги маъруза, амалий машғулот, семинар ва лаборатория ўқув соатлари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги керак.

3-боб. Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва даволаш-диагностика ишларини белгилаш

11. Профессор-ўқитувчи/тренерлар фаолиятининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва даволаш-диагностика ишлари бўйича соатлар ҳажми ҳисобланмайдиган иш турлари мазкур қоидаларнинг 2-иловасида назарда тутилган қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва даволаш-диагностика ишларининг турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида белгиланади.

12. Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва даволаш-диагностика ишлари ҳажми мазкур иш турларини бажариш заруриятидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари/кафедра мудири/малака ошириш ўқув маркази раҳбарининг таклифига мувофиқ малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасалари кенгаши томонидан тасдиқланади.

13. Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг илмий-педагогик, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, тингловчиларда чуқур назарий билим, амалий ва касбий кўникмаларни ривожлантиришни назарда тутган ҳолда кафедра мудири (тегишли бўлим бошлиғи) ўқитишни илғор педагогик ва компьютер технологиялари, янги авлод ўқув адабиётлари асосида ташкил этиш ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва даволаш-диагностика ишлари бўйича аниқ топшириқларни белгилайди.

14. Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва даволаш-диагностика ишлари бўйича фаолияти натижалари “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасалари профессор-ўқитувчи/тренерларининг шахсий иш режаси”да белгилаб борилади.

4-боб. Якуний қоидалар

15. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишилган.

Узлуксиз касбий таълим тизимида тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқикот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва даволаш ишларини белгилаш коидаларига 1а-илова

Тиббиёт ва фармацевтика кадрлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари профессор-ўқитувчи/тренерларининг ўқув юкламаси ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрлари

Т.р.	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
	I. Ўқув ишлари		
1.	Ўқув (маъруза, амалий, семинар, лаборатория иши) машғулотларини ўтказиш	Ўқув режасига мувофиқ бир академик соат учун -1 соат Ўқитувчиларнинг бир кунлик ўқув соатлари 8 соатдан ошмаслиги керак	Ўқув машғулотлари ўқув режага мувофиқ бир академик соатдан (45 минут) ёки танаффуссиз икки академик соатдан (80 минут) ўтказилади. Бунда: Амалий машғулотлар клиник профил йўналишлари бўйича, одатда 1-10 нафаргача тингловчи бўлган кичик гуруҳларда, ноклиник профил йўналишлари бўйича – 8-15 нафаргача тингловчи бўлган кичик гуруҳларда ўтказилади. Маъруза машғулотлари йўналишнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган холда 10-100 нафаргача тингловчилардан иборат бирлашган гуруҳлар (оқим)да ўтказилади. Ўқув машғулотларини ўтказилганлиги гуруҳ журналида қайд этилади.
2.	Курс тингловчилари билан ўқув режадаги кўчма машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш	Кўчма машғулотни ташкил қилган профессор-ўқитувчига 1 соат кўчма машғулот учун 1 соат ҳисобидан, бир кунда кўпи билан 2 соат.	Дарс жадвалида ва гуруҳ журналида қайд этилади.
3.	Маҳорат дарси ўтказиш	Маҳорат дарси ўтган ўқитувчига 1 соат дарс учун-1 соат;	Дарс жадвалида ва гуруҳ журналида қайд этилади.
4.	Масофавий шаклдаги курсларда машғулотлар ўтказиш	Бир академик соат online видеомашғулотлар (вебинар) учун – 1 соат. Бир академик соат онлайн ва оффлайн консультация 1 та тингловчи учун – 0,2 соат, бир кунда кўпи билан 6 соат.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланган маслахат ўтказиш режа-графиги асосида аниқланади. Ўқув машғулотларини ўтказилганлиги гуруҳ журналида қайд этилади.
5.	Масофавий курслар учун электрон контентлар яратиш	Матнли контент- 1та мавзу учун 3 соат; Матнли график контент – 1та мавзу учун 4 соат; Видео контент (бир академик соатдан кам бўлмаган	Таълим муассасаси Илмий-методик кенгаши қарори билан масофавий курсларда фойдаланишга тавсия этилган электрон контентлар асосида аниқланади.

		видеодарс) – 10 соат.	
6.	Тингловчиларнинг курс ишларига раҳбарлик қилиш	битта курс ишига – 2 соат	Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг курс ишига раҳбарлик килганлиги таълим муассасаси буйруғи, ишнинг химояга тақдим этилганлиги ёки тақризнинг мавжудлиги билан аникланади. Қайта тайёрлаш курсларида битта раҳбарга – 20 нафаргача тингловчи бириктирилиши мумкин.
7.	Курс ишлари ҳимоясини ўтказиш	1 та курс иши ҳимояси учун – 0,4 соат;	Курс иши ҳимоясида камида иккита ўқитувчи иштирок этиши керак. Умумий соатлар иштирок этаётган ўқитувчилар ўртасида тенг бўлинади.
8.	Тингловчиларнинг битирув малака ишларига раҳбарлик қилиш	Битта битирув малака ишига – 5 соат	Тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида раҳбарлик қилиш учун битта раҳбарга 10 нафаргача тингловчи бириктирилиши мумкин.
9.	Очик, интеграциялашган маърузалар ва махорат дарсларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш	бир академик соат очиқ маъруза ва маҳорат дарси учун - 5 соат; очиқ, интеграциялашган маъруза учун бир ўқув йилида кўпи билан - 30 соат. Маҳорат дарси: олий таълим муассасаси микёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 30 соат; Республика миқёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 40 соат; халкаро миқёсда ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 60 соат.	Тегишли режа-график ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аникланади.
10.	Тингловчиларнинг малакавий амалиёти ва стажировкага рахбарлик қилиш (ҳисоботларини қабул қилиш ва баҳолаш)	Ҳар бир тингловчи учун 0,5 соат, бунда, бир иш кунида 6 соатдан ошмаслиги лозим.	Профессор-ўқитувчи/тренерларнинг амалиёт ва стажировкага раҳбарлик килганлиги ректор/ўқув ишлар проректори буйруғи мавжудлиги билан аникланади. Бир курс (цикл) давомида бир профессор-ўқитувчи/тренер 12 нафаргача тингловчи стажировкасига раҳбарлик килиши мумкин. Фаолият тури тегишли дарс жадвали асосида аниқланади.
11.	Қолдирилган дарсларни қайта топширишни қабул қилиш	Ҳар бир тингловчи учун – 0,3 соат. Бунда бир ўқув йили давомида бир нафар профессор-ўқитувчига кўпи билан – 40 соат берилади.	Қайта топшириш гуруҳ журнали ва қайта топширишни қайд этиш журналида акс эттирилади.
12.	Малака ошириш курсларида ўқиш	Малака ошириш курсларида ўқиганлик учун - хафтасига 36 соатдан	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида

			аниқланади
13.	Клиник ординатор (резидент)ларнинг, бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курслари тингловчиларнинг ўқув (клиник) амалиётига раҳбарлик қилиш	бир ўқув йилида 1 нафар клиник ординатор (резидент) учун соатбай – 100 соат; 1 нафар тингловчи учун соатбай – 25 соат.	Профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди ва олий тоифали мутахассис 6 нафаргача клиник ординатор (резидент), тингловчининг ўқув (клиник) амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Ўқув журналида қайд этилади
14.	Ўқув модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш	Оралик назорат битта тингловчи учун - 0,2 соат. Бунда бир курсда (бир циклда) ҳар бир профессор-ўқитувчи учун бериладиган соат миқдори 8 соатдан ошмаслиги лозим	Назорат ишларида жами соат ёзма ишни текширишда иштирок этган модул ўқитувчиларига тенг тақсимланади. Назорат натижалари тегишли кайдномаларда акс эттирилади.
15.	Якуний аттестацияни ўтказиш	Оғзаки шаклда битта тингловчи учун - 0,3 соат, ёзма ишни текшириш учун ҳар бир ишга - 0,2 соат; тест шаклида битта академ гуруҳ учун - 1 соат. Комиссия аъзоларига бериладиган бир кунлик ўқув юкламаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Оғзаки шаклда ўтказилган якуний аттестация синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Ёзма иш шаклида ўтказилган якуний аттестация синовларининг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари умумий сонига бўлинади ҳамда комиссия аъзоларига тенг тақсимланади. Тест шаклида ўтказилган якуний аттестация синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Комиссия таркиби тегишли буйруқ ва кайдномаларда акс этдирилади.
16.	Клиник ординатура (резидентура) мутахассисликлари қабули жараёнида кириш синовларини ўтказиш комиссиясида, таянч докторант (PhD), докторант ва мустақил изланувчилар танлови комиссиясида ва малака имтиҳонида иштирок этиш	оғзаки шаклда ўтказилганда, битта клиник ординатор/тадқиқотчи учун - 0,3 соат; тест шаклида ўтказилганда бир оқим (клиник ординаторлар гуруҳи) учун - 1 соат; Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкламаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Оғзаки (тест) шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Қабул имтиҳонлари ва синовларида иштирок этганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи ва тегишли кайдномалар асосида аниқланади. Комиссия аъзолари таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
17.	Фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторант	бир нафар докторант учун бир ўқув йилида - 100 соат; бир нафар мустақил изланувчи учун бир ўқув	Фан доктори, профессор ва фан номзоди, доцент ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида 3 нафаргача докторант ва мустақил изланувчига

	ёки мустакил изланувчига илмий рахбар (маслаҳатчи)лик қилиш	йилида – 50 соат	илмий маслаҳатчилик қилиши мумкин. Илмий маслаҳатчи бўлганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи, докторант ва мустақил изланувчининг якка тартибдаги иш режаси бажарилиши асосида аниқланади
18.	Курс тингловчилари билан ўқув режадаги кўчма машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш.	Кўчма машғулотни ташкил қилган профессор-ўқитувчига 1 соат кўчма машғулот учун - 1 соат ҳисобидан, бир кунда кўпи билан - 6 соат.	Дарс жадвали ва гуруҳ журналида кайд этилади.

Узлуксиз касбий таълим тизимида тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва даволаш ишларини белгилаш коидаларига 1б-илова

Тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасалари профессор-ўқитувчи/тренерларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий, даволаш-диагностика иш турлари

Т.р.	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
	I. Ўқув-услубий ишлар		
1.	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари бўйича ўқув дастурлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш	Календар ўқув режаси асосида. Анъанавий, масофавий, маҳорат дарси, вебинар циклларии учун ўқув ва ишчи дастурлар тайёрлаш	Тасдиқланган ўқув режалари ва ўқув дастурлари асосида аниқланади.
2.	Маърузалар матни, амалий дарс ишланмалари, таркатма материалларни тайёрлаш ва янгилаш.	Янги маърузалар матни, амалий дарс ишланмалари, таркатма материалларни тайёрлаш ва янгилаш	Узлуксиз касбий таълим муассасаси кенгашининг, (илмий-услубий кенгашининг) тасдиклаш тўгрисидаги қарори асосида аникланади
3.	Дарс машғулотларига тайёргарлик кўриш	Маъруза, амалий машғулотлар, лаборатория ишларига тайёргарлик кўриш	Ўқитувчининг дарс ўтиш жараёнида аниқланади
4.	Миллий стандартлар, клиник протоколлар, дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма ва кўрсатмалар (шу жумладан, электрон, видео машғулотлар ишлаб чиқиш ҳамда нашрга тайёрлаш)	Миллий стандартлар, клиник протоколлар, дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма ва кўрсатмалар яратиш	Узлуксиз касбий таълим муассасаси Кенгаши (илмий-услубий кенгаши) қарори билан нашр этишга тавсия этилган маҳсулотлар асосида аникланади
6.	Электрон ўқув модули (ўқув-услубий мажмуа), видеомашғулотлар ишлаб чиқиш, мавжудини такомиллаштириш	Электрон ўқув модули (ўқув-услубий мажмуа), видеомашғулотлар ишлаб чиқиш ёки янгилаш	Узлуксиз касбий таълим муассасаси Кенгаши (илмий-услубий кенгаши) қарори билан тасдиқланган ҳамда тайёр ишланмалар асосида аниқланади.
7.	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари бўйича ишчи дастур ва ишчи ўқув режаларни ишлаб чиқиш	Ишчи ўқув режаси ва ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.	Жорий ўқув йили учун тасдикланган ишчи ўқув режа ва ишчи дастурлар асосида аникланади.
8.	Ўқув модуллари бўйича электрон ўргатувчи дастурлар ишлаб чиқиш	Электрон ўргатувчи дастурларни тайёрлаш	Узлуксиз касбий таълим таълим муассасаси ўқув-методик кенгаши карори билан ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган электрон ўргатувчи дастурлар асосида аникланади
9.	Виртуал амалиёт/лаборатория ишларини яратиш	Виртуал амалиёт/лаборатория ишларини яратиш	Яратилган лаборатория ишлари асосида аникланади
10.	Ўқув модуллари бўйича ўқув қўлланма ва бошқа	Ўқув-услубий қўлланма ва бошқа материалларни	Таржима килинган ўқув-услубий материаллардан ўқув жараёнида

	материаллар (услубий қўлланма, кўрсатма ва бошк.)ни хорижий тиллардан таржима қилиш	таржима қилиш	фойдаланилаётган тўғрисидаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассаси ёки кафедра баённомаси асосида аниқланади
11.	Интеграцион цикллар ташкил этиш (хорижий, махаллий, таълим муассасаси миқёсида) Халқаро ташкилотлар билан хамкорликни такомиллаштириш	Таълим муассаси, маҳаллий ва хорижий миқёсда интеграцион цикллар ташкил этиш	Ишлаб чиқилган дастурлар ва шартномалар асосида аниқланади
12.	Тингловчилар билимини назорат қилиш учун топшириқлар (тест, масалалар ва бошқа) ишлаб чиқиш	Назорат учун саволлар, тест топшириқлари, масалалар ва бошқа топшириқлар ишлаб чиқиш.	Ишлаб чиқилган ҳамда кафедра баённомаси билан жорий этилган топшириқлар тўплами асосида аниқланади
II. Илмий-тадқиқот ишлари			
13.	Таълим муассасаси кенгаши (илмий-услубий) кенгаш тасдиклаган мавзулар бўйича илмий-тадкикот ишларини бажариш	Илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш	Тегишли йўналишдаги ҳисобот асосида аниқланади
14.	Илмий макола, тезис тайёрлаш ва нашр этиш, ихтиро(патент), дастурий воситалар яратиш	Халкаро ва республика (ОАК руйхатидаги) микёсидаги илмий журналларда маколалар ҳамда тупламларда тезислар нашр этиш, шугшнгдек, патентлар олиш	Жорий ўқукув йилида тайёрланган ва нашр этилган ишлар асосида аникланади. Даврий тўпламларда нашр этилган илмий мақолалар республика миқёсидаги мақолаларга тенглаштирилади.
15.	Ўқув машғулотларини олиб борадиган модуллар доирасида ихтиролар, рационализаторлик ишлари, дастурий махсулотларини ишлаб чиқиш	Патент ва муаллифлик гувохномасини олиш	Тегишли ҳужжат (патент, далолатнома, гувоҳнома)лар асосида аникланади. Докторлик диссертацияси мавзуси доирасида тайёрланган (яратилган) ихтиро (патент), дастурий махсулотлар мазкур иш турига киритилмайди
16.	Монография ва рисола нашр этиш, ахборот тахлилий материаллар тайёрлаш	Монография ва илмий нашрлар тайёрлаш.	Жорий ўқув йилида нашр этилган (тайёрланган) ишлар асосида аникланади
17.	Дарслик, монография, рисола, ўқув ва методик қўлланмаларга илмий мухаррирлик қилиш	Нашр ишларига мухаррирлик қилиш.	Дарслик, монография, рисола, ўқув ва методик қўлланмаларнинг жорий ўқув йилида тегишли кенгашда мухокама қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар асосида аникланади.
18.	Дарслик, ўқув қўлланма, монография, рисола, илмий макола, диссертация, автореферат ва бошқа илмий ишларга тақриз ёзиш	Эълон килинадиган нашр ишларига тақриз ёзиш	Тақризлардан нусхалар тақдим этилади
19.	Докторлик (PhD ёки Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаш ва	Докторлик диссергадиясини тайёрлаш. Тайёрлаш ва ҳимоя	Автореферат, илмий даража олиш учун диссертация химоя килинган илмий кенгаш баённомаси асосида аникланади.

	химоя қилиш.	қилиш учун 3 йил давомида вақт ажратилиши мумкин	
20.	Илмий журналлар тахририятига аъзо бўлиш	Тахририятларга аъзо бўлиш	Нашр этилган илмий журналлар ва бошқа ҳужжатлар асосида аниқланади.
21.	Илмий ёки услубий конференция ва семинарларда иштирок этиш	Илмий ёки услубий конференция ва семинар мажлисида катнашиш	Конференция ёки семинар таклифномаси, дастури ва чоп этилган материаллари асосида аникланади
III. Ташкилий-услубий ишлар			
22.	Турли анжуманларнинг ташкилий қўмитаси ва ишчи гуруҳида аъзо сифатида иштирок этиш.	Анжуманларни ўтказиш ишчи гурухига аъзо булиш	Анжуман дастури тавдим этилади
23.	Хорижий ва Республика миқёсида турли анжуманларни ташкиллаштириш; Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик	Модератор, ташкилий қўмита ва ишчи гурухида аъзо сифатида иштирок этиш. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини ташкиллаштириш	Анжуман дастури тақдим этилади Шартномалар/ўтказилган тадбирлар асосида аниқланади
24.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги топшириқларини бажариш	Эксперт сифатида, вилоятларга амлий ёрдам, санавиация, саломатлик хафталарида иштирок этиш	Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари ва ҳисоботлар билан аниқланади
25.	Дарс машғулотларини кузатиш ва таҳлил қилиш	Таълим муассасаеида ёки бошқа таълим муассасаларида дарс машғулотларини кузатиш	Таҳлил нусхаси ҳамда кафедраларнинг тегишли йиғилиш баённомалари асосида аникланади.
26.	Асосий штатдаги профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафарларида бўлиши	Фаолиятга оид бўлган хизмат сафарларига чиқиш	Тегишли буйруқ асосида аникланади.
27.	Илмий, (илмий-услубий) кенгаш (ишлаб чикариш йиғилиши, кафедра йиғилиши) ҳужжатларини юритиш ва уларни расмийлаштириш.	Кенгаш ёки йиғилиш котиби вазифасини бажариш	Илмий (илмий-услубий) кенгаш (ишлаб чикариш йиғилиши, кафедра йиғилиши) ҳужжатлари асосида аникланади
28.	Кафедра фаолиятига доир ҳужжатларни юритиш, йиғилишлар ўтказиш, топшириклар ижросини таъминлаш ва назорат қилиш.	Кафедра мудирининг кафедра иш фаолиятига доир ҳужжатлар билан ишлашни ташкил қилиши	Кафедра ҳисоботи, йиғилиш баённомалари ва бошқа тегишли ҳужжатлар асосида аникланади
IV. Маънавий-маърифий ишлар			
29.	Тингловчилар билан уларнинг укишдан буш вақтларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар олиб бориш.	Тингловчилар билан маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар олиб бориш.	Режа ва бажарилган ишлар бўйича ҳисоботлар асосида аникланади.
30.	Дарсдан ташкари вақтда тингловчилар билан (спорт	Тингловчилар билан турли хил тадбирлар	Тадбир дастури ва ҳисоботи асосида аникланади.

	мусобакалари, байрам тадбирлари, кечалар, ижодий учрашувлар, давра сухбатлари, экскурсиялар, ижодий ишлар кўргазмалари ва бошқа) тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш.	ўтказиш	
31.	Оммавий ахборот воситаларида (матбуот, радио, телевидениеда) чиқишлар қилиш	Ташкилотларда маърузалар ўқиш	Тасдиқловчи ҳужжатлар (маълумотлар, фото-, видеотасвирлар ва бошқалар) асосида аниқланади
32.	Спорт, маданий-маърифий ва ижодий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.	Спорт, маданий-маърифий ва ижодий тадбирлар режасини тузиш ва ташкил этиш	Режа ва тақдим этилган ҳисобот асосида аниқланади
V. Даволаш ишлари			
33.	Клиника даволаш-диагностика ишларидаги иштироки (бўлимларда бемор кўриги, консультация, консилиум, патолого-анатомик конференциялар, клиник мухокамалар)	Клиникада доимий иш режасини тузиш, ташкил этиш ва даволаш-диагностика ишларида қатнашиш	Тасдиқланган режа ва консультация дафтари/ баённомалар асосида
34.	Санавиация бўйича навбатчилик, консультатив ёрдам – Республика миқёсида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этган жадвал асосида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруги асосида
35.	Барча турдаги тиббиёт муассасаларининг ишларида эксперт ва консультант сифатида қатнашиш	Муассасалар ўртасидаги шартнома ва келишув асосида	Муассасаларнинг ҳисобот ва маълумотлари асосида
36.	Тақриз: -касаллик тарихига -оналар ва болалар ўлими тахлили - нохуш холатлар тахлили ва тақризи	Касаллик тарихи, оналар ва болалар ўлими тахлил, нохуш ҳолатлар тахлили асосида тақризлар ёзиш	Тақризлар нусхалари асосида
37.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги тадбирларида иштирок (саломатлик хафталиклари, поликлиника ва ҚВПларга кураторлик, эксперт ва ишчи гуруҳларнинг фаолиятида иштирок этиш, меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва бошқа ташкилий ишларда қатнашиш ва ҳ.к.)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этган жадвал ва чора-тадбирлар режалари асосида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари/баённомалар асосида

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил “15” 06 даги 160 - сонли буйруғига 2-илова

ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ВА ФАРМАЦЕВТИКА КАДРЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ ТУЗИЛМАСИ, УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини узлуксиз касбий таълим тизимида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳақидаги мазкур Низом (кейинчалик – Низом) узлуксиз касбий таълим тизимига жалб этилган таълим муассасаларида амалга ошириладиган барча ўқув дастурларининг ўқув-услубий таъминотига ягона талабларни киритиш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом узлуксиз касбий таълим тизимида тиббий-санитария ва фармацевтика кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув дастурлари (кейинчалик – ўқув дастурлари)нинг тузилмаси ва мазмунига қўйиладиган талабларни, шунингдек, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларга ўзгартиришлар киритиш тартибини белгилайди.

1.3. Мазкур Низом қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган:

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” қонуни”;

Соғлиқни сақлаш ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга қўйиладиган давлат талаблари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги “Тиббиёт кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 769-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4666-сонли қарори.

1.4. Узлуксиз касбий таълим тизимида тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш мазмуни янги билимлар ва кўникмаларни ўзлаштиришга, малака ошириш эса уларнинг касбий билим ва кўникмаларини чуқурлаштиришга йўналтирилган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар тегишли таълим дастурлари билан белгиланади.

1.5. Ўқув дастурларига киритиладиган барча материаллар соҳадаги ривожланишнинг замонавий даражасини акс эттириши, ўқув материалини баён этишда мантиқий кетма-кетликни назарда тутиши, ўқув материали ва уни амалиётда қўллаш кўникмаларини самарали эгаллаш имконини берувчи таълимнинг замонавий усул ва техник воситаларидан фойдаланишни кўзда тутиши лозим.

1.6. Мазкур Низом талаблари узлуксиз касбий таълим тизимида (умумий, мавзуий) малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнига жалб этилган тиббий-санитария ва фармацевтика таълим муассасалари учун мажбурийдир.

2. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув дастурларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар

2.1. Ўқув дастури – ўқув режасидаги модуллар мазмуни, ҳажми, ўрганиш тартиби ва ўзлаштириш назоратини белгиловчи норматив ҳужжат ҳисобланади.

2.2. Ўқув дастури мазмуни ўқув жараёнини ташкил этишга қўйиладиган янги талаблар, инновацион технологияларни жорий этилиши, сифат менежменти тизими талабларига мувофиқ ўзгариши мумкин.

2.3. Узлуксиз касбий таълим тизимида тиббий-санитария ва фармацевтика кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнига жалб этилган таълим муассасаларида тегишлилиги бўйича қуйидаги ўқув дастурлари амалга оширилади:

умумий малака ошириш – мутахассисликнинг барча йўналишлари бўйича малака ошириш – камида 144 кредит;

мутахассисликнинг алоҳида танланган бўлим/модуллари ёки долзарб масалалари, шу жумладан, янги ва юқори технологияларни ўзлаштириш бўйича мавзули малака ошириш – камида 18 кредит;

қайта тайёрлаш (ихтисослаштириш) курслари – тиббий-санитария ва фармацевтика кадрлари учун камида 216 кредит.

2.4. Малака ошириш ўқув дастурини амалга ошириш мавжуд компетенцияларни такомиллаштириш ва (ёки) касбий фаолият учун зарур янги компетенцияларни эгаллаш ва (ёки) мавжуд малака доирасида мутахассиснинг касбий даражасини оширишга қаратилган.

Малака ошириш ўқув дастури тузилмасида малака ошириш циклида ўқиш натижасида мутахассиснинг мавжуд малакаси доирасида сифат жиҳатдан ўзгарадиган (чуқурлаштирадиган) касбий компетенциялари рўйхати келтирилиши лозим.

Касбий қайта тайёрлаш дастурини амалга ошириш касбий фаолиятнинг янги турини амалга ошириш учун зарур компетенциялар, янги малакани эгаллашга қаратилган.

2.5. Ўқув дастури тузилмаси модуль тамойилига мувофиқ шакллантирилади.

Модуль - тингловчининг мавжуд касбий компетенцияларини такомиллаштириш ва (ёки) янги касбий компетенцияларни эгалланишини таъминловчи яхлит билим ва кўникмалар мажмуаси. Модуль ўқув дастурининг бир қисми (структур бирлиги) ҳисобланади.

2.6. Ўқув дастурлари (модуллари) мазмуни уларнинг мақсади ва кутиладиган натижаларга эришилишини таъминлаши лозим.

2.7. Ўқитиш шакли ва муддатлари ўқув дастури билан белгиланади. Узлуксиз касбий таълим дастурини эгаллаш муддати ўқув дастурида кўрсатилган янги компетенцияларга эга бўлиш (қайта тайёрлаш/ихтисослаштириш), илгари эгалланган компетенцияларни актуаллаштириш/такомиллаштириш (малака ошириш ўқув дастури) орқали режалаштирилган натижаларга эришиш имкониятини таъминлаши лозим.

2.8. Малака ошириш, ихтисослаштириш курсларининг ўқув дастурлари, ўқув режалари тузилмалари илова қилинади (1, 2 ва 3-иловалар).

3. Ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

3.1. Ўқув дастурлари белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган тиббиёт таълим муассасалари, шунингдек Ҳукумат қарорлари ва соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда вазирлик) буйруқлари билан белгиланган муассасаларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари ёки соҳанинг тажрибали мутахассислари томонидан якка холда ёки муаллифлар жамоаси томонидан давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади;

Истисно тариқасида, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари ва ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари, нодавлат тиббиёт олий таълим муассасалари ҳамда тегишли тиббий-санитария мутахассисликлар бўйича ўқув-симуляцион маркази (шу жумладан мобил ўқув-симуляцион марказ) ва илмий даражага эга мутахассислари мавжуд бўлган хусусий тиббиёт ташкилотлари аккредитациядан ўтмасдан, вазирлик томонидан ҳар йили тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини малака ошириш курсларида ўқитиш ҳуқуқига эга;

Ўқув дастурлари бир неча таълим муассасалари томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши мумкин.

3.2. Ўқув дастурларининг сифати, уларнинг ўқув-услубий ва техник таъминотига таълим муассасаси раҳбари масъул ҳисобланади.

3.3. Модуль дастурининг матни А-4 форматли стандарт варақларда, шрифтининг 14 ўлчамида, 1,0 интервалда, чап ва ўнг томондан – 20, пастдан - 25, юқоридан – 20 мм ўлчамида ҳошияланган ҳолатда босиб чиқарилади. Бетларнинг рақамлари варақнинг пастки қисмини марказида жойлаштирилади.

3.4. Қайта тайёрлаш (ихтисослаштириш), умумий ва мавзуий малака ошириш курслари бўйича ўқув дастурларини тасдиқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

таълим муассасаси кафедраси/бўлими томонидан ўқув дастурининг лойиҳаси тайёрланади;

тайёрланган ўқув дастурининг лойиҳасига йўналишнинг етук мутахассислари, тегишли соҳа ташкилот ва муассасаларининг ички ва ташқи тақризлари олинади;

таълим муассасасининг марказий ташкилий-услубий/марказий услубий/малака ошириш ўқув маркази кенгашида ўқув дастурининг лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинади ва тасдиқлашга тавсия этилиши тўғрисида илмий-услубий кенгаш баёни расмийлаштирилади ва таълим муассасаси Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этилади;

таълим муассасаси кенгаши муҳокамасидан ўтган ўқув дастури ва Кенгаш баёни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълим муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда-Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади)га киритилади;

ўқув дастурлари лойиҳалари Кенгаш томонидан давлат талаблари, малака талаблари ва мазкур Низом талабларига мослиги, долзарблиги, тингловчиларда янги касбий компетенцияларни шаклланиши ва такомиллашишига хизмат қилиши юзасидан экспертизадан ўтказилади ва унинг тавсияси билан вазирлик томонидан тасдиқланади, рўйхатга олинади ва амалга киритилади;

ўқув дастурининг эталон нусхаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида, бир нусхаси таълим муассасасида сақланади;

тасдиқланган ва рўйхатга олинган ўқув дастурларининг электрон ёки кўчирма нусхалари тааллуқлилиги бўйича таълим муассасаларига етказилади.

Умумий малака ошириш ва ихтисослаштириш ўқув дастури 5 йилда бир марта

